



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ХУНАРМАНДЧИЛИКНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ХУНАРМАНДЛАРНИ ҲАР ТОМОНЛАМА ҚўЛЛАБ- ҚУВВАТЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ Тўғрисида

Ўзбекистон халқларининг бой маданий мероси ва тарихий аъёналарини тўлиқ сақлаб қолиш ва кўпайтириш, миллий хунармандчилик, халқ бадий ва амалий санъатини янада ривожлантириш, хунармандчилик фаолияти билан шугулланувчи фуқароларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича мақсадли ва комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш, шу асосда аҳоли, айниқса, ёшлар, аёллар ва кам таъминланган оилалар бандлигини таъминлаш мақсадида:

1. Қўйидагилар республикада миллий хунармандчилик, халқ бадий ва амалий санъатини (кейинги ўринларда хунармандчилик деб аталади) янада ривожлантиришнинг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

биринчидан, хунармандчилик фаолияти билан шугулланаётган фуқаролар ва оилалар, айниқса, янгитдан ўз фаолиятини бошлаган хунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, «Уста-шогирд» мактаблари фаолиятини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш, ва шу асосда янги иш ўринлари ташкил этиш;

иккинчидан, хунармандчилик субъектларига давлат рўйхатидан ўтишда қўмаклашиш, уларга ер майдонлари ва бинолар ажратиш, муҳандислик-коммуникация тармоқларига уланиш, уларни асбоб-ускуналар, жиҳозлар, хомашё ва материаллар билан ўзлуксиз таъминлаш, уларга имтиёзли кредитлар бериш бўйича самарали чора-тадбирларни амалга ошириш;

учинчидан, халқ хунармандчилиги ва ижодий аъёналари кенг ривожланган шаҳар ва туманларда хунармандчиликни ривожлантириш марказлари ташкил этиш, хунармандчиликнинг ноёб турларини қайта тиклаш ва янада ривожлантириш, истеъмолчиларга хунармандчилик маҳсулотлари етказиб бериш учун бозор инфратузилмасини шакллантириш;

тўртинчидан, хунармандчилик маҳсулотларини экспорт қилишни рағбатлантириш, хорижий мамлакатларда ўтказиладиган кўргазма ва ярмаркаларда миллий хунармандчилик маҳсулотларини тақдимот қилишга қўмаклашиш.

2. Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси, Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ва «Хунарманд» уюшмасининг қўйидаги тақлифлари қабул қилинсин:

«Хунарманд» уюшмасини Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасига уюшган аъзо сифатида аъзолик бадали тўловисиз киритиш;

«Хунарманд» уюшмаси раисини мавқеи бўйича Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси раиси ўринбосарига, «Хунарманд» уюшмасининг ҳудудий бошқарма бошлигини Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасининг ҳудудий бошқарма бошлиги ўринбосарига тенглаштириш;

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ҳузуридаги туман ва шаҳар Тадбиркорларга қўмаклашиш марказлари томонидан хунармандларга ўз тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ва ривожлантиришга қўмаклашиш бўйича сўзсиз равишда хизматлар кўрсатиш, жумладан ўз бизнесини ташкил этиш ва ривожлантириш кўникмаларига ўргатиш, хунармандчилик субъектларини ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, янгитдан ўз фаолиятини бошлаётган хунармандчилик субъектларига кўргазмалар ташкил этишни назарда тутиш.

3. 2017 йилнинг 1 декабридан бошлаб хунармандчилик субъектлари — «Хунарманд» уюшмасининг аъзолари:

хунармандчилик фаолияти маҳсулотлари (товар, иш, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотишда қатъий белгиланган солиқдан озод этилиши;

ёшга доир пенсия ва нафақа олувчилар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига сугурта бадалли тўловидан озод этилиши;

қишлоқ жойларда рўйхатдан ўтган ва фаолиятини амалга ошираётган хунармандлар ўз фаолиятининг дастлабки икки йили мобайнида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига белгиланган сугурта бадалининг 50 фоизини тўлаши белгиланган бўлисин.

4. Қўйидагилар: хунармандчилик фаолиятининг асосий йўналишлари, хунармандлар томонидан ишлаб чиқарилаётган буюм ва товарлар (иш, хизматлар) турларининг янгиланган рўйхати 1-иловага мувофиқ;

2018-2019 йилларда Ўзбекистон Республикасида хунармандчиликни ривожлантириш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш йўғма дастури (кейинги ўринларда Дастур деб аталади) 2-иловага мувофиқ, шунингдек, 2018-2019 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида хунармандчиликни ривожлантириш бўйича лойиҳаларни амалга оширишнинг манзилли дастурлари 2.1-2.14-иловаларга мувофиқ;

2018-2019 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида хунармандчилик объектларини ташкил этиш бўйича комплекс чора-тадбирлар (кейинги ўринларда Комплекс чора-тадбирлар деб аталади) 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси раиси А.И.Икромовга, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири А.А.Хаитовга, «Хунарманд» уюшмаси раҳбарларига, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисига, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимларига, вазирлик, идора, тижорат банклари ҳамда масъул ижрочи ташкилотлар раҳбарларига Дастур ва Комплекс чора-тадбирларни белгиланган муддатларда сифатли, тўлиқ ва ўз вақтида амалга ошириш юзасидан шахсий жавобгарлик юклансин.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси, «Хунарманд» уюшмаси, бошқа масъул вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ҳафта муддатда хунармандчиликни янада ривожлантириш ва хунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ишларини мувофиқлаштириш бўйича ҳудудий комиссиялар (кейинги ўринларда

ҳудудий комиссиялар деб аталади) 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин. Қўйидагилар ҳудудий комиссияларнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

тегишли ҳудудларда манзилли Дастур ва Комплекс чора-тадбирларнинг ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли бажарилишини таъминлаш;

хунармандчиликнинг ривожланишига тўқтинлик қилаётган муаммоларни, жумладан, уларга ер майдони, бинолар ажратиш, уларни ишлаб чиқариш ва коммуникация объектларига уланиш, кредит ресурслари ва хомашё билан таъминлаш масалаларини ўз вақтида ҳал этиш;

ҳудудларда хунармандчиликни ривожлантириш марказларини қуриш ва реконструкция қилиш, жумладан, ушбу марказлар қурилишининг манзилли рўйхатини ишлаб чиқиш, уларга хунармандчилик субъектларини жойлаштириш, қурилаётган объектларнинг намунавий лойиҳасини тасдиқлаш ишларини мувофиқлаштириш;

хунармандлар томонидан ишлаб чиқариладиган маҳсулотларни сотиш, шунингдек, экспорт қилишга қўмаклашиш бўйича ҳудудларда чора-тадбирларни амалга оширишни ташкил этиш ва мувофиқлаштириш;

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Жамоат ишлари жамғармаси ҳисобидан аҳолини хунармандчилик, оилавий тадбиркорлик, қасаначилик соҳаларида бандлигини ошириш учун хунармандчилик ва тадбиркорлик субъектларига имтиёзли микрокредитлар бериш бўйича, банк кредит сийсатига аралашмаган ҳолда, «Микрокредит-банк» АТБ тавсиялар тақдим этиш.

6. Хунармандчилик фаолияти субъектлари — «Хунарманд» уюшмаси аъзоларига имтиёзли микрокредитлар бериш, шунингдек, 5-иловадаги схемага мувофиқ хунармандчиликни ривожлантириш марказлари қуриш учун Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Молия вазирлиги ва Марказий банкнинг Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси томонидан 5 йил муддатга мўлжалланган жами 50 миллион АҚШ доллари миқдорига, жумладан «Микрокредитбанк» АТБ, «Халқ банки» АТБ ва «Агробанк» АТБ (кейинги ўринларда тижорат банклари деб аталади) учун 2 йил имтиёзли давр билан 2,5 фоизли йиллик ставка бўйича кредит линияси очиш тўғрисидаги тақлифига розилик берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси бир ой муддатда оқорида қайд этилган тижорат банкларига улар томонидан хунармандчилик фаолияти субъектларига миллий валютада имтиёзли микрокредитлар ажратиш учун кредит линиялари очишни қўйидаги шартларда таъминласин:

имтиёзли микрокредитлар олти ой имтиёзли даврни ўз ичига олган ҳолда, икки йил муддатга, энг кам ойлик иш ҳақининг 300 баробаридан ошмаслиги зарур; ўзларининг ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун асбоб-ускуна ва эҳтиёт қисмлар харид қилишда имтиёзли микрокредитларнинг фоиз ставкаси Ўзбекистон Республикаси Марказий банки қайта молиялаштириш ставкасининг 50 фоизини, айланма маблағларини тўлдириш учун эса Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг қайта молиялаштириш фоиз ставкаси даражасини ташкил этиши; имтиёзли микрокредитлар пул маблағларини қарз олувчининг ссуда ҳисобрақамидан унинг тўлов топшириқномасига мувофиқ, ушбу Фармонда назарда тутилган мақсадлар учун тегишли ташкилот ёки жисмоний шахсининг талаби бўйича депозит ҳисобрақамига ўтказиш йўли билан кейинчалик ушбу ташкилот ёки жисмоний шахсга хизмат кўрсатувчи банк тариф сийсатига мувофиқ, нақд пул олиш имконияти билан тақдим этилади.

7. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари ташаббускорлар ва тижорат банкларининг кредит маблағларини жалб этган ҳолда, 6-иловадаги рўйхатга мувофиқ, 2018-2019 йилларда хунармандчиликни ривожлантириш марказларини ўз вақтида қуриш ва фойдаланишга топширишни қўйидагиларга эътиборни қаратган ҳолда таъминласин:

хунармандчиликни ривожлантириш марказларини тарихий-аъёнаний архитектура услубида қуриш, уларга зарур муҳандислик-коммуникация инфратузилмаларини тортиб бориш ва ҳудудларига карвонсарой (мехмонхоналар), кафе, ресторан ва туристларни жалб этиш учун бошқа объектларни жойлаштириш;

хунармандчиликни ривожлантириш марказлари ҳудудида «тарихий шарқ бозори» услубида савдо расталари ва халқ ижоди (дорбоз, полвон, масхарабозлар ва бошқалар) кўргазмалари учун махсус жойлар ажратиш; мақсуд марказларда қурилаётган турар жой биноларининг биринчи қаватида устхона ва савдо иншоотлари, юқори қаватларида хунармандлар учун турар жойлар ташкил этиш.

8. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги:

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Жамоат ишлари жамғармасига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 сентябрдаги «Аҳолининг кам таъминланган қатламларини қўллаб-қувватлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3268-сон қарори билан тасдиқланган миқдорда 2017-2018 йилларда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар ҳисобидан хунармандчиликда аҳоли бандлигини оширишга имтиёзли микрокредитлар ажратиш учун «Микрокредитбанк» АТБга йиллик 2 фоизли ставка бўйича 50 миллиард сўм миқдорига ресурслар ажратилишини;

банд бўлмаган аҳолига, айниқса, ёшларга «Уста-шогирд» усулида такомиллаштирилган ўқув дастурлари бўйича хунармандчилик сир-асорларини ўқитиш учун Бандликка қўмаклашиш давлат жамғармаси ҳисобидан 2018-2019 йилларда 1 миллиард сўм миқдорига маблағлар ажратишни таъминласин.

► Давоми 2-бетда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ИШ ҲАҚИ, ПЕНСИЯЛАР, СТИПЕНДИЯЛАР ВА НАФАҚАЛАР МИҚДОРИНИ ОШИРИШ Тўғрисида

Валюта сийсатини либераллаштириш шароитларида республика аҳолисининг даромадлари ва турмуш даражасини янада муттасил ошириб бориш, фуқароларга ижтимоий маддани кўчатириш мақсадида:

1. 2017 йилнинг 1 декабридан бошлаб бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ҳамда нафақалар миқдори ўрта ҳисобда 1,15 барабар оширилсин.

2. 2017 йилнинг 1 декабридан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида энг кам:

иш ҳақи — ойига 172 240 сўм;

ёшга доир пенсиялар — ойига 336 880 сўм;

болаликдан ногиронларга бериладиган нафақа — ойига 336 880 сўм; зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа ойига 206 720 сўм миқдорига белгилансин.

3. Белгилаб қўйилсинки, иш ҳақи ҳамда пенсияларга қўшилган устама ва қўшимча ҳақларнинг барча турлари, энг кам иш ҳақиға нисбатан белгиланган компенсация ва бошқа тўловлар 2017 йилнинг 1 декабридан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Давлат бюджетидан молияланадиган ташкилот ҳамда муассасалар билан биргаликда пенсиялар, стипендиялар ҳамда бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг лавозим маошлари миқдорини мазкур Фармон қоидаларидан келиб чиққан ҳолда ўз вақтида қайта ҳисоблаб чиқишни таъминласин.

5. Бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақалар ва стипендияларнинг оширилиши билан боғлиқ сарф-харажатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилсин.

Хўжалик ҳисобидидаги корхона ва ташкилотлар 2017 йилнинг 1 декабридан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақиға мувофиқ, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва меҳнат сарфини камайтириш ҳисобига иш ҳақи миқдорини оширсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 22 августдаги ПФ-4822-сонли Фармони (6-банди истисно қилинган ҳолда) 2017 йилнинг 1 декабридан ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Молия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

8. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси молия вазири Б.А.Ходжаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2017 йил 20 ноябрь

САМАРҚАНД ДАВЛАТ МЕДИЦИНА ИНСТИТУТИДА

Жанубий корейлик 23 нафар талаба тахсил олаётгани икки мамлакатнинг таълим соҳасидаги ҳамкўрлигига ёрқин бир мисолдир



МУНОСАБАТ

УЙИМИЗ НУРГА, ҚАЛБИМИЗ ҚУВОНЧГА ТўЛДИ...

Бу — Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан Сергели туманида барпо этилган янги масивдаги 19-уйнинг 2-хонадонидан яшаётган Исхон Мирзаабдуллаевнинг фикри

— 2017 йилнинг 17 ноябрь санаси мен ва оила аъзоларим ҳаётида энг яхши, эсда қоладиган кун сифатида бир умрга хотирамизда муҳрланиб қолди. Ўша кунги Сергели туманида қурилган янги уй-жойларни кўриш учун келган Президентимиз бизнинг хонадонимизда ҳам меҳмон бўлди.

Мен 1978 йилда Наманган вилояти

Уйчи туманидаги Ёрқўғон қишлоғида туғилганман. Тақдир тақозаси билан пойтахтга келиб қолганман. 2003 йилда тошкентлик Дилфузахон билан турмуш қурдик. Ўғлим Мухторбек 2004 йилда, қизим Дурдонахон 2008 йилда туғилган. Оиламиз билан 14 йил давомида ихара уйларда турдик. Яшириб нима қилдим, 7 марта кўчишга тўғри келди. Бу орада 2010 йилда Ўғлим Мухторбек оғир касалликка чалинди. Уни даволатиш учун бормаган жойим қолмади. Кечалари уйқум қочиб кетарди. Қачон бизнинг ҳам бир хонагина бўлсада ўз билан айта олмаيمان.

Яратганга илтижо қилар эдим. Тўғриси Президентимиз ижтимоий ҳимояга муҳтож, кам таъминланган оилалар учун Сергелида уй-жойлар қурамиз, деганларини эшитганимда кўзимдан ёш чиқиб кетган эди. Ўша кун келишини, биз ҳам уй олишимизни интизорлик билан кутдим. Айниқса, янги уй учун Президентимиз совғаси — мебеллар, гиламлар, музлатгич, болаларимга компьютер тўпламлари берилганда, бу ғам-хўрликдан, эътибордан қанчалар қувонганимни сўз билан айта олмаيمان.

Президентимиз хонадонимизда бўлганида, бу уй-жой жиҳозлари янги уйга совға. Энди азоб-уқубатларни эсдан чиқариб бугундан янги ҳаёт бошланглар, деб айтди. Президентимиздан мингдан-минг розиман. Ҳаяжонланганимдан гап ҳам топа олмаётиман. Янги уйга кўчиб ўтганимиздан сўнг оила аъзоларим билан у кишига қандай миннатдорлик билдирасан экан, деб ўйлаб турган эдик. Қўйилганда Президентимизнинг ўзлари келиб биздан ҳол-аҳвол сўраши, уйимизни кўздан кечириши бир қувончимизга минг қувонч қўшди. Бир сўз билан айтганда, уйимиз нурга, қалбимиз қувончга тўлди.

Барчиной ҲАМИДУЛЛАЕВА
ёзиб олди.



Санаар ШОТЎЛҒАНОВ олган сурат.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

Ф А Р М О Н И

ХУНАРМАНДЧИЛИКНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ХУНАРМАНДЛАРНИ

ҲАР ТОМОНЛАМА ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

9. Белгилансинки, Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Жамоат ишлари жамғармаси, шунингдек, Бандликка қўмаклашиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан имтиёзли микрокредитлар «Хунарманд» уюшмасига аъзо бўлган ва мазкур Фармоннинг 1-иловасига мувофиқ хунармандчилик фаолиятини амалга оширувчиларга берилadi.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банки, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Савдо-саноат палатаси, «Хунарманд» уюшмаси билан биргаликда хунармандлар томонидан, айниқса, хунармандчилик билан шуғулланувчи қизларга минн-технологиялар, асбоб-ускуна ва зарур жиҳозларни сотиб олиш учун, шунингдек, айланма маблағларни тўлдирish учун имтиёзли кредитлар берилишини назарда тутувчи Хукумат қарори лойиҳасини бир ой муддатда ишлаб чиқсин ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

Бунда, ёш хунармандлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига тўланадиган мажбурий сугурта тўловлари олинган кредитлар тўлови сифатида ҳисобланиши белгилаб қўйилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига:

тижорат банклари буюртманомалари бўйича хунармандчилик фаолияти билан шуғулланувчи «Хунарманд» уюшмаси аъзоларига ажратилган микрокредитларни тўлаш ҳисобига келиб тушган миллий валютадаги маблағларини конвертация қилишни амалга ошириш;

тижорат банклари ва Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда тижорат банклари расмий веб-саҳифаларида хунармандчилик фаолияти субъектлари учун имтиёзли микрокредитлар тўғрисидаги маълумотларни реал вақт режимида олиш имкониятини берувчи электрон хизматларни иш-

лаб чиқиш ва жорий этиш тавсия этилсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, «Хунарманд» уюшмасининг 2018/2019 ўқув йилидан бошлаб хунармандчиликнинг талаб юқори бўлган турлари бўйича касб-хунар таълими йўналишларини очиб, 7-иловага мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги тасарруфига ўтказилаётган касб-хунар коллежларида ўқитувчи ва касбий таълим устаси сифатида «Хунарманд» уюшмасига аъзо хунармандларни кенг жалб қилиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Белгилаб қўйилсинки:

«Хунарманд» уюшмасига аъзо хунармандларга касб-хунар коллежларининг махсус устaxonаларида хунармандчилик бўйича таълим беришда яқка тартибдаги тадбиркорлар каби шартнома тузиш ва кўрсатилган хизмат учун солиқ тўламаслик ҳуқуқи берилади;

«Уста-шогирд» мактаби ўқувчиси сифатида иш даври 25 ёшга етгунга қадар энг кам ойлик иш ҳақининг камида 2,5 баробари миқдорда сугурта тўлови тўланган тақдирда меҳнат стажига қўшилади.

12. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:

хунармандчилик билан шуғулланувчи шахслар учун ташқи реклама воситасини joyлаштирганили учун маҳаллий бюджетга тўловнинг амалдаги ставкасининг 50 фоизидан ошмайдиган имтиёзли тартибини жорий этсин;

икки ойлик муддатда бозорлар, туристик, меъморий-маданий объектлар ҳудудларида, шунингдек, йирик савдо марказларида хунармандларга ўз махсулотларини сотиш учун барча зарурий шарт-шароитларга эга бўлган савдо расталари ташкил этилишини таъминласин.

13. Белгилансинки:

хунармандларга ўз махсулотларини экспорт қилишдан тушган хорижий валютани эркин тасарруф этиш, шу жумладан, банк ҳисоб-рақамидagi чет эл валютасини нақд шаклда олиш ҳуқуқи берилади;

хорижий мамлакатларда ўтказилган

кўргазма, танлов, ярмарка давомида сотилган хунармандчилик махсулотлари экспорт шартномалари тузилмасдан амалга оширилиши мумкин, бунинг натижасида олинган даромад эса экспорт тушуми ҳисобланмайди.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо вазирлиги Савдо-саноат палатаси, Маданият вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси, Марказий банк, «Хунарманд» уюшмаси билан биргаликда:

икки ой муддатда хорижий мамлакатларда ўтказиладиган кўргазма, танлов, ярмаркаларда намоиш этиш учун хунармандчилик махсулотлари олиб чиқишини соддалаштирилган тартиби тўғрисидаги Низомни ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин;

ташқи бозорларда миллий хунармандчилик махсулотларини кенг танитиш функциясини ўзига оладиган Ўзбекистон Республикаси ҳўжалик субъектларининг хорижий мамлакатларда очилган савдо уйлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасининг чет элдаги савдо-инвестиция уйлари жалб этилишини таъминласин;

бир ой муддатда маҳаллий тадбиркорларнинг хорижий мамлакатларда ўтказиладиган кўргазма ва ярмаркаларда кенг иштирок этишини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар комплексини тасдиқласин.

14. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, «Хунарманд» уюшмаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда халқимизнинг кўп асрлик анъаналари ва маданий ҳаётини кенг ёритиш, халқ хунармандчилиги ва амалий санъатини намоиш этишга йўналтирилган «Шарқ марвариди» Ўзбекистон анъанавий санъат халқаро фестивалининг ҳар йили сентябрь ойида ташкил этилишини таъминласин.

15. Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси, «Хунарманд» уюшмаси, Маданият вазирлиги, Ўзбекистон Бадий академияси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:

8-иловага мувофиқ, 2018-2019 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида хунармандчиликнинг турли йўналишлари бўйича кўргазма ва фестиваллар, халқаро конференциялар ўтказиш чора-тадбирлари ўз вақтида амалга оширилишини;

ҳар йили хунармандчилик махсулотларининг «Олтинқўл хунарманд» халқаро кўргазмаси ташкил этилишини таъминласин.

16. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

доимий савдо жойларига эга бўлмаган ва вақтинчалик жойларда савдо қилувчи хунармандлар томонидан касса аппаратлари ва савдо терминалларидан фойдаланиш, шунингдек, савдодан тушган нақд пул тушумини тижорат банкларига инкассация қилиш ихтиёрий тартибда амалга оширилади;

хунармандлар учун давлат мулки объектлари учун ижара тўлови белгиланган энг кам тўловнинг 50 фоизи миқдоридa белгиланади;

хунарманд хусусийлаштириш дастури доирасида («ноль» харид қийматида) сотиладиган давлат мулки объектини олиш хоҳишини билдирган тақдирда, ушбу объект хунармандга баҳоланган қийматида (бошлангич инвестиция мажбуриятлари билан) очик савдоларга (танловга) қўйилмасдан тўғридан-тўғри шартнома асосида сотилади (берилади);

бир неча хунарманд бир объектни («ноль» харид қийматида) олиш истagini билдирган тақдирда, ушбу объект белгиланган тартибда очик савдога (танловга) қўйилади ва унда фақат ушбу хунармандлар иштирок этади.

Белгилансинки, ушбу бандда кўрсатилган шартлар асосида хунармандларга берилган объектлардан камида 5 йилдан кам бўлмаган вақт давомида хунармандчилик махсулотлари ишлаб чиқариш соҳасида фойдаланилиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси

Президенти

Тошкент шаҳри,
2017 йил 17 ноябрь

Ш.МИРЗИЁЕВ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хунармандчиликни янада ривожлантириш

ва хунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони

Ш А Р Ҳ

Қайд этиш лозимки, ўтган йиллар давомида республикада миллий хунармандчиликни ривожлантириш, халқ бадий хунармандчилиги ва амалий санъатининг кўп асрлик анъаналарини сақлаб қолтиш, хунармандчилик билан шуғулланувчи шахсларни қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилган чора-тадбирларга қарамадан, хунармандчилик кичик бизнес ва яқка тадбиркорлик ривожланишининг кучли, мустақил ва оммавий йўналишига айлана олмади.

«Хунарманд» уюшмаси, берилган имтиёзлар ва қўлайликларга қарамадан, ўз сафларига хунармандларнинг кенг оммасини қамраб ололмади, уюшмага аъзо бўлганлар сони хунармандчилик билан шуғулланувчиларнинг кам қисmini ташкил этмокда, хунармандчилик марказларини сайёхлик салоҳиятидан кенг фойдаланган ҳолда, ташкил этиш ишлари ҳолати қониқарсизлигича қолмокда, хунармандларга молиявий ва хомашё ресурслари ажратиш, улар ишлаб чиқарган махсулотларини сотиш, шу жумладан экспорт қилиш учун шaroит яратишга ёрдам бериш ишлари самарадорлиги етарли даражада эмас.

Шунга кўра, хунармандчиликни ривожлантириш йўлидаги мавжуд муаммо ва тўсиқларни тизимли бартараф этиш, Ўзбекистон халқларининг бой маданий мероси ва тарихий анъаналарини тўлиқ сақлаб қолтиш ва янада бойитиш, хунармандчиликни кенг миқёсда қўллаб-қувватлаш ҳамда хунармандчилик билан шуғулланишга аҳолини, айниқса, ёшлар, аёллар ва кам таъминланган оилаларни жалб қилишга рағбатлантириш мақсадида 2017 йилнинг 17 ноябрдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хунармандчиликни янада ривожлантириш ва хунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони қабул қилинди.

Фармон билан республикада миллий хунармандчиликни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари этиб хунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларга ер майдонлари ва бинолар ажратиш, муҳандислик-коммуникация тармоқларида улаш, имтиёзли кредитлар бериш, хунармандчилик махсулотларини сотиш ва экспорт қилиш, шунингдек, республикамизнинг туман ва шаҳарларида хунармандчиликни ривожлантириш марказларини ташкил этиш ва «Уста-шогирд» мактаблари фаолиятини такомиллаштириш ишлари белгиланди.

Фармонга биноан «Хунарманд» уюшмаси сафларига хунармандларнинг кенг оммасини қамраб олиш, шунингдек, хунармандчиликни кичик бизнес ва яқка тадбиркорлик ривожланишининг кучли мустақил йўналишига айланишига йўл бераётган уюшманинг чекланган салоҳияти билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилиш бўйича бир қатор чора-тадбирлар белгиланган, жумладан:

«Хунарманд» уюшмаси Савдо-саноат

палатасига уюшган аъзо сифатида кириши, «Хунарманд» уюшмаси раисини мавқеи бўйича Савдо-саноат палатаси раиси ўринбосарига тенглаштириш;

Савдо-саноат палатаси ҳузуридаги туман ва шаҳар Тадбиркорларга қўмаклашиш марказлари томонидан хунармандларга ўз фаолиятини ташкил этиш ва ривожлантиришга қўмаклашиш бўйича сўзсиз равишда хизматлар кўрсатиш, шу жумладан хунармандларни ўз бизнесини ташкил этиш ва ривожлантириш қўнималарига ўргатиш, хунармандчилик субъектлари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, янгитдан ўз фаолиятини бошлаган хунармандлар учун кўргазмалар ташкил этишни назарда тутиш.

Хунармандчиликнинг юқори талабга эга ва келажақда ривожланиш истиқболи бор турларини тўлиқ қамраб олиш мақсадида Фармон билан хунармандчилик фаолияти асосий йўналишларининг янгиланган рўйхати тасдиқланди.

Шуни таъкидлаш мумкин, Фармонда хунармандлар учун имтиёз ва қўлайликларни кенгайтириш, шунингдек, уларнинг манзиллилиги ва самарадорлигини кучайтириш кўзда тутилган. Хусусан, 2017 йилнинг 1 декабридан хунармандчилик субъектлари — «Хунарманд» уюшмасининг аъзолари:

хунармандчилик фаолияти махсулотлари (товар, иш, хизматларни) ишлаб чиқариш ва сотишда қатъий белгиланган солиқ тўловидан тўлиқ озод этилади;

ёшга доир пенсия ва нафақа олувчилар бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига сугурта бадали тўловидан озод этилади; қишлоқ туманларида рўйхатдан ўтган ва фаолиятини амалга ошираётган хунармандлар ўз фаолиятининг дастлабки икки йили мобайнида бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига белгиланган сугурта бадалининг 50 фоизини тўлайди.

Шу билан бир қаторда, хунармандларга ўз махсулотларини экспорт қилишдан тушган хорижий валютани эркин тасарруф этиш, шу жумладан, банк ҳисоб-рақамларидан чет эл валютасини нақд шаклда ечи олиш ҳуқуқи бериломда. Бунда хорижий мамлакатларда ўтказиладиган кўргазма, фестивал, ярмаркаларда хунармандчилик махсулотларини экспорт шартномаларини тузмаган ҳолда сотиш мумкин, бунда олинган даромад экспорт тушуми ҳисобланмайди. Шу билан бирга, хунармандларга ташқи реклама воситаларини joyлаштиришда маҳаллий бюджетга тўлиқни белгиланган тўловларнинг 50 фоизи миқдоридa имтиёз бериш жорий этилмокда.

Шунингдек, доимий савдо қилиш жойларига эга бўлмаган ва вақтинчалик жойларда савдо қилувчи хунармандлар томонидан савдо қондаларида назарда тутилган касса аппаратлари ва савдо терминалларидан фойдаланш, шунингдек, савдодан тушган нақд пул тушумини тижорат банкларида инкассация қилиш ихтиёрий тартибда амалга оширилади.

Хунармандларга ўз фаолиятини амалга ошириш учун имтиёзли тартибда жой ажратиш масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Бунда улар томонидан давлат мулкни ижарга олишда ижара тўлови белгиланган энг кам тўловнинг 50 фоизи миқдоридa белгиланади.

Хунарманд хусусийлаштириш дастури доирасида («ноль» харид қийматида) сотиладиган давлат мулки объектини олиш истagini билдирган тақдирда, ушбу объект хунармандга баҳоланган қийматда (бошлангич инвестиция мажбуриятлари билан) очик савдоларга (танловга) қўйилмасдан тўғридан-тўғри шартнома асосида сотилади (берилади). Агарда бир неча хунармандчилик субъектлари бир объектни («ноль» харид қийматида) олиш истagini билдирса, ушбу объект фақат ушбу хунармандлар иштирок этган ҳолда белгиланган тартибда савдога (танловга) қўйилади. Бунда кўрсатилган шартларда хунармандларга берилган объектлардан 5 йилдан кам бўлмаган вақт давомида хунармандчилик махсулотларини ишлаб чиқариш соҳасида фойдаланилиши лозим.

Фармонда ёшларни хунарга ўқутиш ва хунармандчилик қўнималарини авлоддан авлодга ўтказиш масаласига алоҳида эътибор ажратилган. Шу мақсадда 2018 йилда республикамизнинг барча ҳудудларида 16 та касб-хунар коллежида «Хунарманд» уюшмасининг аъзоси бўлган хунармандларни ўқитувчилар сифатида жалб қилган ҳолда, хунармандчилик иши бўйича янги касбий таълим йўналишлари очилиши назарда тутилган.

Бунда хунармандчиликка ўқитишда хунармандлар билан яқка тартибдаги тадбиркорлар сингари шартнома тузиш ҳуқуқи берилади ҳамда улар кўрсатган таълим хизматлари солиққа тортилмайди. Бундан ташқари, «Уста-шогирд» мактаблари ўқувчиси сифатидаги иш даври ўқувчилар 25 ёшга етгунга қадар йилга энг кам иш ҳақининг камида 2,5 баробари миқдорда сугурта тўлови тўланган тақдирда уларнинг меҳнат стажига қўшилади.

Шу билан бирга, 2018-2019 йилларда ёшларни «Уста-шогирд» усулида ўқув дастурлари бўйича тайёрлаш учун Бандликка қўмаклашиш давлат жамғармаси ҳисобидан 1 миллиард сўм миқдоридa маблағлар берилиши кўзда тутилган.

Фармон билан хунармандчиликни республика ҳудудлари, туман ва шаҳарларида ривожлантириш бўйича ҳам аниқ чора-тадбирлар белгиланган. Хусусан, республика ҳудудларида хунармандчилик объектлари, жумладан музей-устaxonалар, «Уста-шогирд» мактаблари, хунармандчиликни ривожлантириш бўйича ахборот-ресурс марказлари ва бошқа объектларни ташкил этиш бўйича комплекс чора-тадбирлар тасдиқланган.

2018-2019 йилларда республикамизнинг 23 та шаҳар ва туманларида Хунармандчиликни ривожлантириш марказларини яратиш назарда тутилган. Ушбу мар-

казлар тарихий-анъанавий архитектура услубида қурилиб, улар ҳудудда туристларни кенг жалб қилиш учун «тарихий шарқ бозори» услубидаги савдо расталари, халқ иходи усталари томоша кўрсатадиган махсус жойлар, карвонсаройлар ва бошқа объектлар joyлаштирилади. Мухими, бу марказларда хунармандлар, асрлар давомида уларнинг аждодлари каби бир жойда яшаб меҳнат қиладиган, яъни қуриётган биноларнинг биринчи қаватида уларнинг устaxonа ва савдо дўконлари joyлашади, иккинчи қаватда улар учун замонавий турар жойлар ташкил этилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига икки ой муддатда бозорлар, сайёхлик, меъморий-маданий объектлар ҳудудидa, шунингдек, йирик савдо марказларида хунармандчилик савдо расталарини хунармандчилик махсулотларини сотиш учун зарур шароитлар яратган ҳолда ташкил этиш топириғи бериладиган.

Фармоннинг энг муҳим жиҳати шундан иборатки, унда хунармандчиликни ривожлантириш соҳасида мамлакатимизда қабул қилинган қонунчилик ҳужжатлари тажрибасида илк бор Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида хунармандчиликни ривожлантириш бўйича маҳаллий дастурлар тасдиқланган, уларга кўра 2018-2019 йилларда қиймати 146,6 миллиард сўмга тенг, шундан 86,8 миллиард сўм тижорат банклари кредит маблағлари ҳисобига, аксарияти қишлоқ жойларига тўғри келадиган 9 миңдан ортиқ янги иш ўринлари яратилишини кўзда тутувчи 3015 та лойиҳа амалга оширилади.

Хунармандчиликни ривожлантириш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш, хунармандчилик марказлари ва бошқа объектлар қурилишини молиялаштириш мақсадида, Фармон билан қатта ҳажмда имтиёзли кредит ресурсларини ажратиш механизми жорий этилмокда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Тараққиёт ва тикланиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан «Микрокредитбанк», «Халқ банки» ва «Агробанк» акциядорлик тижорат банклари учун умумий ҳажми 50 миллиард АҚШ доллари миқдоридa кредит линиялари очилади. Ушбу маблағлар тижорат банклари филиаллари орқали Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкасининг 50 фоизи миқдоридa лойиҳаларни кредитлаш учун, Марказий банкнинг қайта молиялаштириш фoиз ставкасида айланма маблағларини тўлдирish учун йўналтирилади. Бир кредит олувчига бериладиган кредит ҳажми энг кам иш ҳақининг 300 баробаригача бўлган миқдорда кўзда тутилган, кредит муддати олти ойлик имтиёзли даврини ҳисобга олган ҳолда 2 йилни ташкил этади.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Жамоат ишлари жамғармасининг маблағлари ҳисобидан

«Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банкига аҳолининг хунармандчилик, оилавий тадбиркорлик ва касаначиликдаги бандлигини ошириш учун имтиёзли микрокредитларни ажратиш мақсадлари учун ҳажми 50 миллиард сўм миқдоридa йиллик 2 фоизлик ставкада кредит ресурслари ажратилиши кўзда тутилган.

Бунда ёш хунармандлар томонидан бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига тўланадиган мажбурий сугурта тўловлари олинган кредитлар учун тўлов сифатида ҳисобланиши белгиланган.

Хунармандчилик фаолиятини ривожлантириш учун хомашё ва материаллар билан узлуксиз таъминлаш бўйича зарур чоралар ҳам кўзда тутилмокда. Жумладан:

«Ўзбекипаксаноат» уюшмаси «Хунарманд» уюшмасининг буюртмалари бўйича хунармандларга ипак хомашёси ва ипак толасини ажратилишини таъминлайди;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликларига икки ой муддатда ёғоч ўймакорлиги билан шуғулланувчи хунармандларга ўз фаолиятини амалга ошириш учун хомашё сифатида ишлатиладиган дарахт турларини экиш ва парвариш қилиш учун зарур ер майдонларини ажратиш чоралари қўриш топириғи бериладиган.

Фармон билан тасдиқланган чора-тадбирларни жойларда тўлиқ ва сифатли амалга оширилишини таъминлаш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг биринчи ўринбосарлари раҳбарлигида ҳар бир ҳудудда хунармандчиликни ривожлантириш ва хунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ишларини мувофиқлаштириш бўйича ҳудудий комиссиялар ташкил этилиши назарда тутилган.

Мазкур комиссияларнинг аниқ вазифалари қаторида хунармандчилик ривожланишига тўсиқ бўлаётган муаммоларни ўз вақтида ҳал қилиш, хунармандларга уларнинг лойиҳаларини амалга ошириш, ер майдонлари ва бинолар ажратиш, ишлаб чиқариш ва муҳандислик инфратузилмаси объектларида улаш, хунармандчилик махсулотларини сотиш ва экспорт қилишда қўмак бериш белгиланган.

Мазкур Фармон ижросини таъминлаш мақсадида «Хунарманд» уюшмаси фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори қабул қилинган. Қарорга мувофиқ «Хунарманд» уюшмаси фаолиятининг устувор йўналишлари ва вазифалари белгиланди, уюшманинг янгиланган ташкилий тузилмаси, ижро аппарати тузилмаси, шунингдек, уюшманинг ҳудудий бошқармалари ва туман (шаҳар) бўлимларининг намунавий тузилмаси тасдиқланди.

Хунармандчилик махсулотларини сотиш бўйича бозор инфратузилмасини ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ва «Хунарманд» уюшмасига

17. Хунармандчилик фаолиятини ривожлантириш учун хомашё ва материаллар билан узлуксиз таъминлаш мақсадида:

«Ўзбекипаксаноат» уюшмаси «Хунарманд» уюшмасининг буюртманомалари бўйича хунармандларга ипак хомашёси ва ипак толасини ажратилишини таъминласин;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари икки ой муддатда ёғоч ўймакорлиги билан шуғулланувчи хунармандларга ўз фаолиятини амалга ошириш учун хомашё сифатида ишлатиладиган дарахт турларини экиш ва парвариш қилиш учун зарур ер майдонлари ажратиш чораларини кўрсин.

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 31 мартдаги «Халқ бадий хунармандчиликлари ва амалий санъатини янада ривожлантиришнинг давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-1741-сон Фармонининг 4 ва 5-бандлари ўз кучини йўқотган, деб ҳисоблансин.

19. Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Марказий банки, Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартiriш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

20. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А.Қўқоров, Савдо-саноат палатаси раиси А.И.Икромов ва Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири А.А.Хаитов зиммасига юклансин.

Ш.МИРЗИЁЕВ

ЎзХДП гуруҳи
фаолиятидан

Халқ депутатлари Жарқўрғон туман Кенгашидаги Ўзбекистон ХДП гуруҳи «Мактабгача таълим муассасаларида олиб борилаётган ишларнинг аҳоли тўғрисида»ги масалани ўрганди.

МАКТАБГАЧА
ТАЪЛИМ
МУАССАСАЛАРИ:Жарқўрғонда вазият
қандай?

— Маълумки, Президентимизнинг «Мактабгача таълим тизими бошқарувини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори асосида соҳа ислох этиляпти, — дейди **халқ депутатлари туман Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи аъзоси Жуманазар Мустанов**. — Туманда 35 та мактабгача таълим муассасаси мавжуд. Уларнинг 25 таси замонавий, 7 таси эса мослаштирилган биноларда фаолият кўрсатмоқда. Таълим-тарбия масканларидаги 94 гуруҳда 3 минг 407 нафар бола тарбияланади. Муассасаларда 736 нафар тарбиячи ходим меҳнат қиляпти.

Жорий ўқув йилида тумандаги мактабгача таълим муассасаларини таъмирлаш ва жиҳозлаш учун 2 миллион сўмга яқин маблағ ажратилган. Ўрганиш жараёнида «Олтин қалитча» ҳамда «Баҳор» МТМда таълим-тарбия жараёни талаб даражасида йўлга қўйилгани маълум бўлди.

Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида «Олтин қалитча» мукаммал таъмирланган, бу ерда 140 нафар бола тарбияланипти. Болалар хориж тилларини ҳам ўрганапти. «Кичикинтойимиз — ширинтойимиз», «Соғломжон — полвонжон» спорт мусобақалари ўтказилмоқда.

— Шу билан бир қаторда тизимда камчиликлар ҳам аниқланди, — дейди **халқ депутатлари туман Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи аъзоси Сунон Бойкулов**. — Тумандаги 20 минг 124 нафар бола ёшидаги боланинг 3 минг 407 нафари мактабгача таълим муассасаларига қамраб олинган. Бу бор-йўғи 17 фоиз, демакдир. 280 нафар тарбиячининг 39 нафари олий маълумотли мутахассис, холос.

Яна бир муаммо ҳусусида тўхталмоқчиман: «Оймомо», «Навбахор», «Бойчечак» мактабгача таълим муассасаларида тегишли 10-15 сотих ер майдонлари фуқаролар томонидан ноқонуний эгаллаб олинган. 18-сон «Бойчечак» таълим масканидаги 6 та хона таъмирталаб, «Ширинтой»да мебель жиҳозлари етишмайди. Ошхоналардаги ҳолат, ҳамшира хонаси, маҳсулот сақланадиган омборхона ва ўйин майдончалари бугунги кун талабига мос эмас.

— Таълим-тарбия масканларида ечимини кутаётган долзарб масалалар оз эмас, — дейди **халқ депутатлари туман Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи аъзоси Бахтиёр Турдалиев**. — «Ситора» мактабгача таълим муассасасида куз-қиш мавсумига пухта тайёргарлик қўрилмаган. Иссиқлик тизими ишламайди. Эшик-дараза ва поллар таъмирталаб. Маъмурий бинонинг том қисми ҳанузгача ёпилгани йўқ, «Дилшод» мактабгача таълим муассасасидаги ҳамшира хонаси таъмирга муҳтож. Дори-дармонлар етишмайди. Мудира хонаси ва 2 та гуруҳ электр энергияси билан таъминланмаган. Бундан ташқари, озик-овқат, ичимлик суви таъминоти билан боғлиқ кечиктириб бўлмас масалалар бор.

— Партияимизнинг 2015-2019 йилларга мўлжалланган Харажат дастурида мактабгача таълим муассасаларида камол топаётган ўғил-қизларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилган, — дейди **ЎзХДП Жарқўрғон туман кенгаши раиси Алишер Маматмуродов**. — Шунинг учун депутатларимиз масалани жиддий ва атрофлича ўрганди. Қарийб бир ой давом этган ўрганишлардан кейин туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими мутасаддилари ҳамда мактабгача таълим муассасалари масъуллари иштирокида амалий семинар ташкил этилди. Уч-решувда йўл қўйилган камчиликлар атрофлича муҳокама қилинди.

— Тан олиш керак, соҳадаги нуқсонлар ўз вақтида ечим топмаган, — дейди **Жарқўрғон туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими мудири Қизиларшой Раҳматова**. — Бунга барчамиз бирдек айбдоримиз. Лоқайд ва бепарволикка берилганлими ҳақиқат. Мактабгача таълим муассасаларида фаолият кўрсатётган ходимларни аттестациядан ўтказиш керак, деб ўйлайман. Шунингдек, мактабгача таълим муассасалари моддий-техник базасини қайта ўрганиб, таъмирлаш ва реконструкция ишларини жиддий қўриб чиқиш лозим. Мактабгача таълим муассасалари фаолияти халқ депутатлари Жарқўрғон туман Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи томонидан назорат қилиниши яхши самара беради, албатта.

Абдумалик ХАЙДАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК
ПАРТИЯСИ САЙЛОВДА

Энг кўп депутатлик ўринлари учун курашади

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг «Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашларига сайлов бўйича сайлов кампанияси бошланишини эълон қилиш тўғрисида»ги қарори асосида жорий йилнинг 24 декабрь кuni Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашларига сайлов бўлиб ўтади.

Мазкур муҳим сиёсий жараён демократик талабларга ва умумэтироф этилган халқаро меъёрларга жавоб берадиган, фуқароларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириш кафолатларини таъминлайдиган тизим асосида ўтказилмоқда.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси мазкур сайловда муносиб иштирок этишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Ҳозирда сайлов жараёнида кизгин тайёргарлик кўрилмоқда.

Хайдар БОБОХОНОВ,
Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар кенгаши раиси, халқ депутатлари шаҳар Кенгашидаги партия гуруҳи раҳбари:

— Президентимиз парламент палаталари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги депутатлар ва сиёсий партиялар вакиллари билан ўтказилган видеоселектор йиғилишида Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашларига сайловлар ўтказиш ва бу масаланинг аҳамияти ҳусусида муҳим фикрларни ўртага ташлаган эди.

Ҳақиқатан ҳам, халқ депутатлари туман Кенгашларига сайловлар ўтказиш, туманларда партия гуруҳларини ташкил қилиш аҳолини ўйлантираётган масалаларни тез ва сифатли ўрганиш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда долзарб аҳамиятга эга. Очиғини тан олиш керак, халқ депутатлари шаҳар Кенгаши депутатлари ҳар бир туман, мавзе, маҳалладаги муаммоларни чуқур ўрганиш имкониятига эга эмас. Туман Кенгаши депутатиди эса ҳудуддаги ма-



салани чуқур ўрганиш ва асосли таклифлар бериш имкони кенгрок бўлади.

Айниқса, Тошкент шаҳрида халқ депутатлари туман Кенгашлари тузилиши туманлар даражасида маҳаллий бюджетни, ҳудудларни ривожлантиришнинг истиқболлиги мўлжалланган дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда муҳим ўрин тутди.

Шунингдек, Кенгашлар сессияларида маҳаллий давлат органлари раҳбарларининг ўз фаолияти тўғрисидаги ҳисоботлари ва ахборотлари тингланади. Бу эса фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимоя этилишига, ҳисобдорлик ва масъулият кучайишига хизмат қилади.

Бахтиёр АБДУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши сектор мудири:

— Партияимиз Марказий Кенгаши томонидан сайловда муносиб иштирок этишни таъминлаш мақсадида сайловдаги штабни ташкил этилган. Ҳозирда сайловдаги жараёнларни кизгин тус олган. Тарғибот материалларини тарқатиш, номзодлар билан сайловчиларнинг учрашувларини юқори савияда ташкил қилиш

олдимизда турган асосий вазифадир.

Биз бу галги сайловларда номзодларни танлаш жараёнига алоҳида эътибор қаратдик. Яъни, туман Кенгаши депутатлигига номзоди қўйилаётган шахсларнинг партия ёғларига садоқати, бугун мамлакатимизда кечаётган ижтимоий-иқтисодий янгиланишларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини чуқур тушуниши, ижро ҳокимияти тизимида масъул вазифада ишламаслиги каби омиллар устувор аҳамиятга эга бўлди. Номзодларимиз орасида кўпроқ партияимиз ёш етакчилари, нодавлат-нотижорат ташкилотлари ходимлари, жисмоний имконияти чекланган кишилар ҳамда маҳалла фаоллари бор.

Бундан кўзлаган асосий мақсадимиз келгусида партияимиздан сайланадиган депутатлар ижро ҳокимияти олдига долзарб масалаларни қўя олиши, ҳоким ва бошқа мансабдор шахсларнинг ҳисоботлари эшитилиши, кўпроқ сайловчи манфаатларидан келиб чиққан ҳолда иш юритилишига эришишдир.

Сирожиiddин ШОНАЗАРОВ,
Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар кенгаши бўлим мудири:

— Сайлов жараёниларининг энг муҳим босқичи тарғибот-ташвиқот даври ҳисобланади. Шу босис партияимиздан кўрсатилган номзодларнинг сайловолди дастури ва мақсадларини ўзида ифода этган тарғибот материалларини чоп этишга алоҳида эътибор қаратаёلمиз. Хусусан, 330 нафар номзод учун мўлжалланган 990 мингга чўнтак календарлари, флаер ва бошқа тарғибот воситаларини тайёрладик.

Шунингдек, «Тошкент» телеканали ва «Тошкент оқшоми» газетасида ҳафтанинг ҳар жума кuni махсус кўрсатув ҳамда мақола эълон қилиниши режалаштирилган. Бундан ташқари, интернетдаги турли ижтимоий тармоқлар, веб-сайтлар орқали ҳам номзодларимиз дастурларини тарғибот қилишни режалаштирганмиз. Мақсадимиз — сайловда энг кўп ўрин эгаллаш.

Нурали ОРИПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Электорат манфаати

САЙЁР ҚАБУЛ:

Ўрта Чирчиқда одамларни қандай масалалар ўйлантирмоқда?



Санаар ШОТЎЛДАНОВ олган суратлар.

ЎзХДП Марказий Кенгаши билан Тошкент вилоят партия кенгаши ҳамкорлигида Ўрта Чирчиқ туманида сайёр қабул ўтказилди.

— «Янги ҳаёт» кўчасида яшаймиз, — деди **биринчи гуруҳ ногирони Дилором Тўрақулова**. — Бизни кўндан бери бир масала ўйлантиради. Кўчамиз жуда таъмирталаб. Ҳаммасидан ҳам фарзандларимизни ўйлаймиз. Улар лой қўнанди мактабга қатнашади. Сирпаниб, жароҳатланган вақтлари ҳам бўлади. Мутасадди ташкилотларга бир неча бор мурожаат қилдик. Аммо фойдаси бўлмади.

— Ҳудудимизда уч мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилади, — дейди **«Дўстлик» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Абдуғаффор Қайюмов**. — 535 га яқин хонадон, 720 оила бор. Маҳалладошларимизнинг асосий қисми деҳқончилик, чорвачилик билан шуғулланади. Ёшлар ва хотин-қизлар бандлиги билан боғлиқ муаммолар бор. Ички йўллар, айниқса, «Янги ҳаёт», «Дўнган», «Гулхан» кўчаларининг таъмирталаблigidан аҳоли кўп шикоят қилади. Мутасадди ташкилотларга хат билан чиққанмишда, жорий йилда 450 метрлик Дўнган кўчасига асфальт ётқизиш йиллик режага киритилганини маълум қилишган эди. Аммо бу иш ҳали-ҳануз амалга ошмади.

Маҳалладаги 32 та сим ёғоч ҳам жуда эскирган.

— Ижтимоий масалаларни ҳал қилиш — долзарб вазифа, — деди **ЎзХДП Тошкент вилоят кенгаши раиси Меҳрож Дархонов**. — Шу мақсадда вилоятимизнинг 8 туманида ишчи гуруҳлари тузилган. Вилоятда аҳолини ўйлантираётган масалаларни ўрганиш мақсадида 20 дан ортиқ сайёр қабул уюштирилди. Оққўрғон, Қуйи Чирчиқ, Янгийўл туманларида 35 нафар ёш йигит-қиз мустақил ишини йўлга қўйиши, янги иш ўринларини яратиши учун банклардан имтиёзли кредит олишларида амалий ёрдам кўрсатилди. «Тадбиркор аёл» уюшмаси билан ҳамкорликда маҳорат дарслари ўтказилиб, кредит маблағларидан мақсадли фойдаланиш бўйича маслаҳатлар берилмоқда.

— Маҳалламиз атрофи кенг дала, — дейди **маҳалла фаоли Абдурахим ота Достонбеков**. — Уларнинг деярли барчаси сугорилидиган ерлар. Бундан унумли фойдаланиш лозим. Ота-боболаримиз деҳқон бўлишган. Яқинда Андижон вилоятида бир йилда икки марта пилла етиштирилганини эшитдик. Бу барчамизни қизиқтирди. Маҳаллий шароитимизда бу амалиётни қўллаб қўришни режалаштирдик. Лойиҳа тайёр. Амалга ошса, ишсиз одамларнинг бандлиги таъминланади. Маҳалла раиси билан

биргаликда туман ҳокимига ариза билан чиқишни режалаштирганмиз. Бу масалада партия вакиллари ёрдам берса, яхши бўлар эди. Бунинг учун, аввало, тўтзорлар ташкил этиш лозим. Тут қаторлари орасида мавсумий маҳсулотларни етиштириш мумкин.

Отаҳоннинг сўзларини тинглаган халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи аъзоси Эгамберди Эрнazarов шу масалада йўл-йўриқ кўрсатишга ваъда берди.

— Маҳалламиз марказидаги дўкон узок вақтдан бери ишламайди, — дейди **Абдумутал Ашурматов**. — Кўндалик харид учун ҳам бир неча километрлаб йўл босишимизга тўғри келди. Бир неча бор мутасадди ташкилотларга мурожаат қилганимизда, ташландик дўкон хусусий мулк эканини айтишди. Эгаси билан суҳбатлашганимизда эса ишга туширишга ҳозир шароити йўқлигини, ижарага ҳам бера олмаслигини билдирди. Янги дўкон очилгача ёки эски дўкон биносини маҳалла тадбиркорларига ижарага олиб беришга ёрдамлашганимиз.

— Мактабимизда беш юз нафарга яқин ўқувчи таълим олади, — дейди **42-мактаб директори Мақсуд Муассарова**. — Уларнинг барчаси илмга чанқоқ. Аммо мактабимизда она тили ва адабиёти, информатика, математика фанларидан мутахассислар етишмайди. Ҳар

йили университетларни битираётган талабалар билан шартнома имзолаймиз. Аммо уларнинг кўпчилиги бир йилга бормасдан бошқа жойга ишга ўтиб кетади. Кадрлар масаласи биз учун айна пайтда жуда долзарб бўлиб турибди.

— «Дўстлик» маҳалласига бир неча бор келиб, аҳоли билан суҳбатда бўлганмиз, — дейди **халқ депутатлари ЎзХДП Тошкент вилоят Кенгаши депутати Эгамберди Эрнazarов**. — Аҳоли мурожаатларининг асосий қисми ички йўллар носозлиги ва бандлик масалалари билан боғлиқ. Туманимизда 80 та маҳалла бор. Уларнинг барчасида ҳам шу муаммо мавжуд. Бу ишлар босқичма-босқич амалга оширилади. Келгуси йил «Янги ҳаёт» кўчасига асфальт ётқизишга ёрдам берамиз. Қолганлари ҳам навбати билан бўлади.

Мулоқот давомидида **туман бандликка қўмаклашиш маркази мутахассиси Шоҳида Мусахонова** аҳолини буш иш ўринлари, ишсизлик нафақасини олиш тартиби билан таништирди.

Вилоят партия кенгаши раиси Меҳрож Дархонов барча мурожаатларни ёзиб олди. Тегишли ташкилотлар ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партияимиз фракциясига таклифлар киритиладиган бўлди.

Махлиё АЛИКУЛОВА

Янги қонун лойиҳаси
муҳокамада

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида янги таҳрирдаги «Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси тўғрисида»ги қонун лойиҳаси кенг муҳокама этиляпти.

САВДО-САНОАТ
ПАЛАТАСИ
ВАКОЛАТЛАРИ
КЕНГАЙТИРИЛМОҚДА

Қонун лойиҳасида интеграциялашган бизнес муҳитини шакллантириш ҳамда тадбиркорлик субъектларининг давлат органлари билан муносабатларини самарали ташкил этишга қўмаклашиш, ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш, палатанинг ўз вазифаларини бажаришига тўққинчи қилувчи айрим муаммоларни ҳал этиш назарда тутилган.

Тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашнинг самарали тизимини яратиш, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари муҳофазасининг кафолатларини кучайтириш, хусусий мулк ва тадбиркорлиқнинг дахлсизлигини таъминлаш, туман ва шаҳарларда аҳолини тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб қилиш Палатанинг асосий вазифаларидан бири этиб белгиланмоқда.

Бундан ташқари, тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ қонунчиликни такомиллаштириш, ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш, бу соҳада қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг амалиётга жорий этилиши устидан жамоат экспертизасини ташкил этиш ва жамоат назоратини кучайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган.

Қонун лойиҳасида кўзда тутилётган муҳим янгиланглардан яна бири шуки, ҳукумат, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, назорат органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, ташкилотлар, тадбиркорлик субъектлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида тадбиркорлиқнинг энг муҳим масалаларини муҳокама қилиш учун Эксперт кенгашларини ташкил этиш назарда тутилган. Эксперт кенгашларида ушбу органлар ва ташкилотлар вакиллари иштирок этиб, ўз ваколати доирасидаги масалалар бўйича зарур тушунтиришлар беришади.

Қонун лойиҳасига кўра, Палатага тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги қонунчиликнинг, биринчи навбатда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ижро этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш, уларнинг фаолиятини мустақил баҳолаб, тегишли ҳулосаларни Вазирлар Маҳкамасига тақдим этиш вазифаси юкланмоқда.

Палатанинг мазкур функциялари алоҳида моддада белгилаб ўтилган. Унга кўра, Палата вакили барча босқичлардаги конкурс ва тендер (аукцион) савдолари ўтказиш бўйича комиссия аъзоси сифатида иштирок этади. Бу меъёр тадбиркорлик субъектлари тақлифига кўра киритилган.

Баъзи ҳолларда тадбиркорлар ўртада мулкий тўсга эга бўлган низолар келиб чиқади. Бундай шароитда ҳакамлик судларида ишларни қўриб чиқиш тадбиркорлик субъектлари манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг самарали шакли ҳисобланади. Ривожланган давлатларда тадбиркорлар фуқаролик-ҳуқуқий низоларини айна давлат суд тизимига кирмайдиган тижорат арбитражларида ҳал қилишни афзал қўришади.

Аънавий давлат судларида ишларни қўриб чиқиш суд жараёниларининг узок давом этиши билан характерланади. Апелляция ва кассация инстанцияларида қарорлар устидан шикоят қилиш имконияти билан ишларни қонуний кучга кириш вақтигача қўриб чиқишнинг ўртача даври олти ой ва ундан кўпроққа чўзилди. Ҳакамлик суди қарори қондага кўра қилинганда, 10 кун муддатда кучга киради.

Шуни ҳисобга олиб, Палатага ҳакамлик ва арбитраж судларини ташкил этиш ҳуқуқи берилмоқда. Бу эса низолар янада самарали ҳал этилишига хизмат қилади.

Умуман, қонун лойиҳасида назарда тутилган меъёрлар давлат ва бизнес ўртасидаги муносабатларнинг жадал ривожланиши, давлат органларининг хусусий тадбиркорлик субъектлари билан конструктив алоқалари кучайишига қулай шароит яратди. Ҳамкорлик лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш учун ҳуқуқий асос шакллантирилади.

Буларнинг барчаси Савдо-саноат палатаси фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлайди, мамлакатимизда тадбиркорлик янада тараққий этишига хизмат қилади.

Баҳром ОБИДЖОНОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси.

Тошкент шаҳрида халқ депутатлари туман Кенгашлари тузилиши туманлар даражасида маҳаллий бюджетни, ҳудудларни ривожлантиришнинг истиқболлиги мўлжалланган дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда рўёбга чиқаришда муҳим ўрин тутди.

САМАРҚАНД ДАВЛАТ МЕДИЦИНА ИНСТИТУТИДА

Жанубий корейлик 23 нафар талаба тахсил олаётгани икки мамлакатнинг таълим соҳасидаги ҳамкорлигига ёрқин бир мисолдир

Бу дунёнинг тараққий этган мамлакатларидан бири Корея Республикасида Ўзбекистон олий тиббий таълим тизимига бўлган қизиқиш тобора ортиб бораётганидан, эътироф этилаётганидан далolatдир. Самарқанд давлат медицина институти Марказий Осиёда тиббиёт йўналишида ташкил қилинган ilk таълим даргоҳи ҳисобланади. Мазкур институт илмий мактаблари, профессор-ўқитувчилари салоҳияти, Ўзбекистонда биринчи бўлиб ўқитишнинг халқаро стандартларга жавоб берадиган кредит-модул тизимига ўтгани халқаро миқёсда унинг жозибадорлигини янада оширмоқда.

Таълим соҳасида ҳамкорликни йўлга қўйиш ва ривожлантириш мақсадида 2013 йилдан буён Самарқанд давлат медицина институти билан Корея Республикасининг Осиё медицина институти ўртасида алоқалар йўлга қўйилган. Бунинг натижасида бугун ушбу мамлакат ёшлари Самарқанд давлат медицина институтида тахсил олмоқда.



Ён Сонг Ох, Самарқанд давлат медицина институти талабаси:

— Илм-фан бешикларидан бўлган Самарқанд шаҳрида ўқиётганимиздан жуда хурсандимиз. Институтимизда талабалар учун барча шарт-шароит яратилган. Дарсларнинг модул тизимида ўтилиши ҳар томонлама қулай. Институт жамоаси ва талабаларнинг бизга нисбатан муносабати аъло. Халқларимизнинг урф-одатлари ўхшашлиги бир-биримизни тушунишимизда ёрдам беради. Дарсдан бўш пайтимизда саёҳатга чиқамиз,

турли талбирларда иштирок этамиз. Умуман, Самарқандда ўқиш ва яшаш жуда ҳам яхши.


Ён Сонг Чунг, Самарқанд давлат медицина институти талабаси:

— Ўзбекистон улуг алломалар юрти. Биргина Абу Али ибн Синонинг тиббиёт фани ривожига қўшган ҳиссаси дунёга машҳур. Биз улуг табиб ватанида тиббиёт бўйича билим олаётганимиздан ғурурланамиз. Самарқанднинг ҳавоси ёқимли, суви ширин, одамлари меҳмондўст. Институтимизда тахсил олиш учун барча имкониятлар мавжуд. Институт ректори доимий равишда биз билан учрашиб туради. Келажакда корейлик яна кўплаб ёшлар Ўзбекистонда ўқишига ишонаман...

— Дунёнинг жуда кўп мамлакатлари соғлиқни сақлаш тизими ва тиббий таълим соҳасини чуқур ўрганганман. Бунинг натижасида институтимизда халқаро тиббий таълим стандартларига жавоб берадиган кредит-модул тизимини йўлга қўйганмиз. Бу — чет эллик олимлар ва ёшларни институтимизга

иштирокчиси сифатида бутунги тиббиёт олдига қандай талаб ва вазифалар қўйилаётганини яхши англайман. Соҳа мутахассиси сифатида Президентимизнинг тиббиётга бераётган эътибори, ўтказаятган ислохотлари халқаро экспертлар томонидан ҳам юқори баҳоланаётганлигини алоҳида таъкидламоқчиман. Халқнинг кайфияти, давлатдан розилиги, аввало, унинг сиҳат-саломатлигига боғлиқ. Бу борада халқаро тажрибани ўрганишимиз, ўзимизда татбиқ қилишимиз, янгиликлардан хабардор бўлишимиз, жаҳон соғлиқни сақлаш тизимига интеграциялашимиз керак. Булар билан чекланиб қолмасдан, юртимизда тиббиёт соҳасида яратилган бебаҳо асарларни ўрганишимиз, тарғибот қилишимиз зарур. Корейлик талабаларнинг институтимизда ўқиши, ҳамкорликда илмий тадқиқотлар олиб бориши масъулиятимизни янада оширади. Президентимизнинг Корея Республикасига сафаридан сўнг тиббиёт соҳасидаги ўзаро алоқаларимиз ҳам янада тараққий этишига ишонаман.

Фаррух ҲАМРОЕВ



Ҳаракатлар стратегияси: тиббий хизмат ва ислохот

ЭЛНИНГ СОҒЛИҒИ

сифатли хизмат, аниқ ташхис ва малакага боғлиқ

Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Қашқадарё вилоят ҳокимлиги ҳамкорлигида яқинда Китоб туманида ўтказилган кўчма ҳайъат йиғилиши Ўзбекистон Республикаси Президентининг тиббий хизмат сифатини яхшилашга оид фармон ва қарорларнинг ҳудуддаги ижросига бағишланди.

— Соғлиқни сақлаш вазирлиги раҳбарлари ва вакилларининг қишлоғимизга ташрифи ўзининг ижобий самарасини беради, — дейди Китоб туманининг Саваз қишлоғидаги оилавий поликлиника бош шифокори Иброҳим Набиев. — Олдин имкониятлар анча чекланган эди. Энди жароҳ, умумий даволловчи, акушер-гинеколог, стоматолог сингари 7 соҳа мутахассиси меҳнат қилаётти. Автоклав ишлаб турибди, лабораториямиз янги жиҳозлар билан таъминланган. Ҳамширларимизнинг малакаси яхши...

Оилавий поликлиникани «Қурбонмурод Ашуров» номидаги хусусий курилиш ташкилоти ўз ҳисобидан таъмирлаб берибди. Ораста, ҳамма шароит бор. Ҳамширлар хонадонларда белгиланган вақтда бўлиб, беморлар ҳолидан хабар олишар, тиббий маданият юзасидан суҳбатлар ўтказишар экан.

Китоб туманида вилоятда биринчи бўлиб 6 та оилавий поликлиника ишга туширилди. Эски бинолар тадбиркорлар ҳомийлиги асосида таъмирланди. Янги 5 та «Дамас» машинаси ҳам тиббиёт муассасаларига берилди.

Сифатли таъмирдан чиқарилган 240 ўринли марказий шифохона ва жадал таъмирланаётган кўп тармоқли поликлиника замонавий тиббий ускуналар билан таъминланган. Келгусида кўёш батареяси, 6 тасмали ЭКГ ва бошқа ускуналар келтирилади. Малакали мутахассислар етарли.

— Президентимиз йил бошида вилоятимизга ташриф буюрганида бошқа соҳалар қатори тиббий хизмат сифатини янада яхшилаш режаларини баён этиб берганди, — ҳикоя қилади Қашқадарё вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасининг даволаш ишлари бўйича бош мутахассиси Дилором Аликулова. — Вилоятда юрак касаллиги билан боғлиқ 130 минг бемор рўйхатга олинган бўлса, улардан 60 минг нафари доимий текширувдан ўтказиб туришга, агар болаларни ҳам қўшсак, 4 минг бемор операцияга муҳтож. Шундан келиб чиқиб, 120 ўринли янги эндокардиология маркази,



шунингдек, кардиохирургия маркази ва юқумли касалликлар шифохонасини янгидан қуриш учун 150 миллион сўм маблағ ажратилди. Кардиохирургия маркази учун Германиядан 3 миллион доллар маблағ эвазига замонавий ускуналар келтирилмоқда. Жами 72 та оилавий поликлиника ва 83 та ҚВП шароитини тубдан яхшилашга ҳаракат қилинмоқда. Бу борада Китоб туманида яхши тажриба тўпланди.

Кўчма ҳайъат йиғилиш қатнашчиларининг фикрлари билан қизиқдик.

Лайло Ҳожиёва, Навоий вилоят санитария-эпидемиология маркази шифокори:

— Китоб туманидаги шифохоналарда яхши ишлар қилинаётган экан. Айниқса, туманининг иқлими, суви ёқимли, нафис, жаманат, дейсиз. Ҳамкасбларимиз билан тажриба алмашдик. Кейинги пайтда бизнинг вилоятимизда ҳам катта ўзгаришлар юзага келмоқда. «Осиё тараққиёт» банкнинг кредити ҳисобига 32 км. м. соҳага ичимлик суви қуварлари тортилди. Икки ёшга бўлган болаларни касал-

ликларга қарши эмлаш учун 12 турдаги вакциналар бепул берилмоқда. Бундай янгиликлар анчагина.

Хайрулло Тожиёв, Сирдарё вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи:

— Вилоятимиз аҳолиси 803 минг кишидан ортиқ. Айрим туманларда ихтисослашган шифокорлар етишмайди. Бу йил 23 мутахассис клиник ординатурани битириб, ишга келди. Мутахассислар ҳал бўлади. Фақат яхши меҳнат қилиш керак.

Ҳайъат йиғилиши арафасида кўплаб меҳмонлар,

жумладан, Муборак, Чироқчи туманидан ташриф буюрган шифокорлар билан суҳбатлашдик. Барчанинг дилида тиббий хизматни янада яхшилаш, одамларни даволаш, юқумли касалликлар тарқалишига йўл қўймаслик нияти мужассам эди.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимидagi ислохотлар жадаллик билан амалга оширилмоқда. Янгилик ва ўзгаришлар кўп. Биргина жорий йилда тиббиёт олий ўқув юрталари битирган 3 минг 197 шифокорнинг 79 фоизи бирламчи тизимга ишга юборилганини тилга олиш kifоя.

Китоб кўп тармоқли поликлиникасига ЎзХДҲдан туман Кенгаши депутати Муҳаммад Аминов анча йилдан буён раҳбарлик қилиб келаяпти. Ташкилотчи ва ташаббускор. Муҳаммад билан соғлиқни сақлаш тизими ходимлари зиммасида кенг қўламли вазифалар ҳақида анча суҳбатлашиб, фикрини сўраганимизда, у шундай жавоб берди:

— Одамлар ишимиздан рози бўлиши учун қўлимиздан келганча ҳаракат қилишимиз зарур. Аҳолининг тиббий хизматга ишончини ошириш бурчимиз.

Юнус УЗОҚОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Фахр-ифтихор



ЎЗБЕКИСТОНЛИК ЎҚУВЧИЛАР ХАЛҚАРО БИЛИМЛАР ОЛИМПИАДАСИДА 49 МЕДАЛНИ ҚЎЛГА КИРИТДИ

Туркияда IX Халқаро билимлар олимпиадаси бўлиб ўтди. Анталия сайёҳлик академияси ҳамда Россиянинг EDUANT халқаро мактаби томонидан ташкил этилган олимпиадада юртимиз мактаб ўқувчилари ҳам муваффақиятли иштирок этди.

Тошкент шаҳридаги «Intellect» боғча-мактаб нодавлат таълим муассасасининг 25 ўқувчисидан иборат жамоа 6 олтин, 20 кумуш ва 23 бронза — жами 49 медални қўлга киритди. Улар умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллади ҳамда математика, рус ва инглиз тиллари, тасвирий санъат бўйича тўртта кубокка сазовор бўлди.

Мамлакатимиз таълим тизимида Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида амалга оширилаётган изчил ислохотлар ёш авлодга дунё талабларига мувофиқ билим беришга йўналтирилган. Бугунги кунда таълимнинг барча бўғинларида ўқитиш стандартларини такомиллаштириш ва шу асосда замонавий ўқув дастурлари, режалари, дарслик ва қўлланмаларни яратишга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Бу ўз самарасини бермоқда. «Intellect» боғча-мактабининг муваффақиятли фаолияти бунга яққол мисолдир.

2008 йилда ташкил этилган мазкур нодавлат таълим муассасаси ўзининг юксак малакали педагогик жамоаси билан бошқа мактаблардан ажралиб туради. Улар ўқувчиларга билим бериш билан бирга, ҳар бир боланинг қобилияти ва иқтидорини рўёбга чикариш учун қўлай муҳит яратди. Бу ерда болаларнинг ахлоқий ва эстетик ривожланишига алоҳида эътибор қаратилади.

Мактаб ўқитувчилари аъёнаний ўқитиш усулларига содиқ қолган ҳолда, инновацион ишланмаларни фаол қўллаб келмоқда. Ўқувчиларда эркинлик ва ташаббускорликни шакллантиришга алоҳида аҳамият қаратилади. Бу келажакда уларнинг муҳим ижтимоий ва профессионал вазифаларни амалга оширишига асос бўлади. Болаларда алгоритмларни ишлаш, масала тузиш ва уни ечишда амаллар кетма-кетлигини белгилаш, бошланган ишни ниҳоясига етказиш, матнларни онгли ўқиш ҳамда уларнинг маъносини чақиш, кузатиш объектларини тасвирлаш, уларни таққослаш, қийсий натижалар бўйича шахсий мулоҳазаларни билдириш кўникмалари шакллантирилади.

Бошлангич мактаб таълим, тарбия, ривожлантириш, ҳаётни англаш ва маърифат сингари аъёнаний таълимнинг барча таркибий қисмларини ўз ичига олади. Инглиз тили фани биринчи синфдан бошлаб ҳафтада тўрт мартаба, 2-синфда беш-олти мартабага ўқитилади.

Бошлангич синф ўқувчилари уй вазифаларини мактабда куннинг иккинчи ярмида ўқитувчилари кузатуви остида бажаради. Бу ота-оналарга фарзандлари билан жонли мулоқот қилиш ва болалар ўйинлари учун янада кўпроқ вақт ажратишга имкон яратди. Бу эса бола руҳияти ва оила муҳитига ижобий таъсир кўрсатади.

IX Халқаро билимлар олимпиадасида Озарбайжон, Қозғистон, Қирғизистон, Россия, Туркия, Ўзбекистон, Украина мамлакатларидан беш юз нафар мактаб ўқувчиси математика, география, физика, кимё, биология, жаҳон тарихи, атроф-муҳит, тасвирий санъат, рус, инглиз ва турк тиллари бўйича ўз билимларини намойиш этди. Мазкур олимпиадада «Intellect» мактабининг директори ўринбосари Н.Баннова раҳбарлигидаги ўқувчилар математика, рус ва инглиз тиллари, тасвирий санъат фанлари бўйича ilk бор иштирок этди. Ўқувчилар, шунингдек, «Олимпиада маликаси», «Шон-шухрат дақиқаси», «Фотосуратлар танлови» сингари ижодий ва спорт мусобақалари, минни-футбол ва шахмат турнирларида ҳам фаол қатнашди.

Нигина Иноятова (тўртта медал), Икром Юсупов (тўртта медал), Жамола Мирқомилова (учта медал) ва Одил Мухаммадиев (учта медал) IX Халқаро билимлар олимпиадасининг энг билимдон иштирокчилари деб эътироф этилди.

Иштирокчилар олимпиаданинг интеллектуал беллашувлар ҳафталигида нафақат катта тажриба тўплади, балки ижобий таассуротлар олди, янги дўстлар орттирди. Ўзбекистоннинг ана шундай ёшлари янги билим чўққиларини забт этиб, халқаро миёсда юртимиз шарафини ҳимоя қилиш шубҳасиз.

Нодира МАНЗУРОВА, ЎЗА мухбири.

MUASSIS:

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Hotamjon KETMONOV

Muslihidin MUHIDDINOV

Farrux HAMROYEV

(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)

Ulug'bek VAFOYEV

Tat'yana KISTANOVA

(Bosh muharrir o'rinbosari)

Saidkamol XODJAYEV

Ochilboy RAMATOV



O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

Reklama va e'lonlar uchun — 233-47-80

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.

Korxona manzili: Buyuk Taron ko'chasi, 41-uy.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 1138 8806 nuxxada bosildi. Nashr ko'rsatkichi — 220 t — Tijorat materiallari O'za yakuni — 21:40 Topshirilgan vaqti — 00:35

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi: Abdusolim MAHMUDOV

Sahifalovchi-dasturchilar: Zafar BAKIROV Behzod ABDUNAZAROV



1 2 3 4 6